

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
6 ЖИЛД, 9 СОН

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 6, НОМЕР 9

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH**
VOLUME 6, ISSUE 9



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
д.ю.н., доцент
(Doctor of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала Правовых исследований
Editorial Board Journal of Law research

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда
ю. ф. д., проф. Муҳиддинова Фирюза
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto (Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчехра Маликова
ю. ф. д. Хусанов Озод
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee (South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юрискан фаанлар доктори, профессор
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Окюлов Омонбой,
Рузиев Рустам, Рузиназаров Шухрат,
Шомухамедова Замира, Баратов
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юрискан фаанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Эсанова Замира
Нормуродовна, Мамасидиков Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб
(Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич
(Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,
ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская
Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи /
Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право /
Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Джансараева Рима Ернатовна (Республика
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси /
Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal
procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжоновна Зумратхон
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий
Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин,
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,
ю.ф.д. Мирзаев Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),
д.ю.н., проф. Стойко Николай Генадьевич
(Российская Федерация), Проф. Рыжаков
Александр Петрович (Российская Федерация),
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика
Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика
Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика
Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир,
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,
ю.ф.д., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

Мусаҳҳих: Нурмуҳаммад Ҳамидов

Дазайн - саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Кудрявцев Игорь Владимирович ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПАРТНЕРСТВА МЕЖДУ ГОСУДАРСТВАМИ.....	5
2. Абдуллаева Мафтуна Мурот қизи КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ТОМОНИДАН ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	16
3. Исломқулова Шохсанам Ваҳобжон қизи ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ. ФУҚАРОЛИК ВА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ФАРҚЛАРИ.....	25
4. Хаджаева Саодат Анваровна ЭЛЕКТРОН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	33
5. Шокиров Ойбек Азизжон угли ТРУДОВЫЕ СПОРЫ И ПОРЯДОК ИХ РАЗРЕШЕНИЯ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ.....	41
6. Abdusamiyeva Dilrobo Abduvaxob qizi POSTPENITENSIAR RESOTSIALIZATSIYA MAZMUNI VA UNING IJTIMOIIY ZARURATI.....	50
7. Отегенова Луиза Жолдасбаевна ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	57
8. Базарова Дилдора Бахадировна ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ.....	65
9. Джураева Захро Тулкуновна ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 76-ЧИ СЕССИЯДАГИ ТАШАББУСЛАРИ.....	73
10. Камиллов Ойбек Хамиджонович ГЛОБАЛЬНЫЕ И РЕГИОНАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБЛАСТИ МИГРАЦИИ, ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ И ИХ ЗНАЧЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ СЕГМЕНТЕ.....	80
11. Хамдамова Фируза Уразалиевна, Джураева Захро Тулкуновна ВЫПОЛНЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ИСКОРЕНЕНИЮ БЕДНОСТИ И НИЩЕТЫ.....	89
12. Nosirov Barxayot Murodjonovich ShNT – XALAQARO – HUKUMATLARARO MINTAQAVIY TASHKILOT SIFATIDA: MARKAZIY OSIYODA XAVFSIZLIKNI TA’MINLASHDAGI ROLI.....	96


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Абдуллаева Мафтуна Мурот қизи,
Тошкент давлат юридик
университети тадқиқотчиси
E-mail: Mary.lennox.92@mail.ru

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ТОМОНИДАН ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Abdullayeva Maftuna Murot qizi. THE SOME THEORITICAL-LEGAL ISSUES OF THE INTERPRETATION OF LEGAL NORMS BY THE CONSTITUTIONAL COURT. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 9, pp. 16-24

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2021-9-2>

АННОТАЦИЯ

Фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари томонидан норматив ҳужжатларни бир хилда қўллаш учун уларни талқин қилиш зарур бўлади. Ҳуқуқий ҳужжатнинг амалий мазмунини аниқ мазмунини аниқлаш фаолияти юридик адабиётларда ўз номини олди - шарҳлаш. Шу боис мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг замонавий ҳуқуқни тушунишдаги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳуқуқий позицияси ва қарорларининг аҳамияти, ва конституциявий мурожаатларнинг ҳуқуқий аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, муаллиф конституциявий ва ҳуқуқий шарҳлаш тушунчаси ва мазмунининг назарий муаммосини кўрсатади. Бу турдаги шарҳлашнинг белгилари ва хусусиятлари очиқ берилди, унинг умуминсоний табиатига урғу берилди, тегишли тоифалар билан ўзаро боғлиқлик муаммоларига ёритилди ва унинг таърифи берилди.

Калит сўзлар: конституциявий одил судлов, Конституциявий суд ваколатлари, конституциявий мурожаат, ҳуқуқни қўллаш, расмий шарҳлаш

Abdullayeva Maftuna Murot qizi,
Researcher of Tashkent State University of Law
E-mail: Mary.lennox.92@mail.ru

THE SOME THEORITICAL-LEGAL ISSUES OF THE INTERPRETATION OF LEGAL NORMS BY THE CONSTITUTIONAL COURT

ANNOTATION

For the purpose of uniform application of normative acts by citizens, officials, state bodies, it becomes necessary to interpret them. The activity to establish the exact content of a legal act for its practical implementation has received a name in the legal literature – interpretation. Thus, the article analyzes the legal position of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan in the understanding of

modern realities, the essence of adopted normative-legal acts, law enforcement practice, and the role and significance of constitutional appeals. Also author shows the theoretical problem of the concept and content of constitutional and legal interpretation. The signs and features of this type of interpretation are revealed, its universal nature is emphasized, the problems of interrelation with related categories are touched upon, and its definition is given.

Key words: constitutional judiciary, the competence of Constitutional court, constitutional application, law enforcement, official interpretation.

Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи,
Соискатель Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: Mary.lennox.92@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ ТЕОРИТИЧЕСКО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ТОЛКОВАНИЯ ПРАВОВЫХ НОРМ КОНСТИТУЦИОННЫМ СУДОМ

АННОТАЦИЯ

В целях единообразного применения нормативных актов гражданами, должностными лицами, государственными органами возникает необходимость в их толковании. Деятельность по установлению точного содержания правового акта для его практической реализации получила в юридической литературе название — толкование (интерпретация). В статье анализируются правовая позиция Конституционного суда Республики Узбекистан в понимании современных реалий права, сущности принимаемых нормативно-правовых актов, правоприменительной практики, а также роли и значения конституционных обращений. Автор показывает теоретической проблеме понятия и содержания конституционно-правового толкования. Выявляются признаки и особенности данного вида толкования, подчеркивается его универсальный характер, затрагиваются проблемы взаимосвязи со смежными категориями, дается его определение.

Ключевые слова: конституционное правосудие, компетенция Конституционного суда, конституционные обращения, правоприменительная практика, официальная интерпретация.

Дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти олдида қўйилаётган янги вазифалар ҳокимиятлар бўлиниши принципи механизмларини самарали амалга ошириш ҳамда “ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими”да суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятидан мустақиллигини таъминлашда конституциявий назорат ва судлов институтини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда давлат ҳокимияти тизимида конституциявий судлов институти ролини ошириш, Конституциявий суд ваколатларини меъёрлаштириш, суд ҳокимиятининг умумий юрисдикция судлари ва конституциявий судлар ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш, конституциявий судлар фаолиятининг самарадорлигини аниқ ва таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни конституцияга мувофиқлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги замон воқелигида конституциявий одил судлов демократик давлатчиликнинг зарурий талаби ҳамда конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ишончли гаровидир. Мақур институт жаҳон миқёсида умум этироф этилган муҳим стандартлардан бири бўлиб, мамлакатдаги барча қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида амалга оширилаётган фаолиятдир.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда” деган эдилар. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди конституциявий

кадриятларни ҳимоя қилиш ҳамда конституциявий муҳитни яратиш субъекти сифатида майдонга чиқмоқда. [1, Б.170]

Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган қоидаларни таъминлаш, “қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш” мақсадида кенг камровли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро стандартларни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг роли ва ўрнини ошириш ҳамда Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибни соддалаштириш, унинг субъектлар доирасини кенгайтириш устувор вазифалар этиб белгиланган бўлиб, ушбу вазифаларни ҳал қилиш мазкур соҳадаги қонунчиликни илғор хорижий стандартларга мослаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Конституциявий судлар давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тармоғи, вакиллик парламенти ва мустақил суд ҳокимияти ўртасида тақсимланишини кафолатловчи ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг ажралмас қисми ҳам ҳисобланади. Конституциявий судлар ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ваколатларини талқин этиш ва уларнинг доирасини аниқлаштириш, давлат органларининг ҳисобдорлигини таъминлаш ҳамда конституциявий тартибнинг барқарорлигига қўмаклашиш имкониятига эга.

Қуйида биз мақур органнинг қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларни, ҳар бир нормани ҳаётда тўғри татбиқ қилиш, қўллаш соҳасидаги ҳуқуқни шарҳлаш функциясига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

Ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тўғри англаб олиш ва уларни шарҳлаш, содир бўлган ижтимоий муносабатларга уларни татбиқ этишдан олдин, унинг маъноси ва мазмунини тўғри англаш муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликда ҳуқуқий аниқлик ҳуқуқий давлатнинг конституция ва қонун устунлиги принципи билан бевосита боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг келтирилган қарорларида “Ҳуқуқий аниқлик ҳуқуқ устуворлигининг муҳим ва асосий хусусиятларидан биридир” деб келтирилган. [2, Б.44] Шу боис ҳар бир татбиқ этиладиган ҳуқуқий норманинг моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниб, англаб олиш ва шарҳлаш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчасига Н.Сабуров ва М.Нажимовлар томонидан – бу ҳуқуқ нормаларининг мазмуни, мақсади ва моҳиятини аниқлаш ва тушунтиришга йўналтирилган (қаратилган) фаолият деб тавсиф берилган. [3, Б.150]

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ расмий шарҳлаш (Конституциявий суд томонидан) юзасидан икки муҳим қоида мавжуд: биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 55-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади; иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир конституцияда ноаниқ, зид ёки жуда умумий қоидалар мавжуд бўлиши, ҳар бир ҳокимият органи уни турли хил талқин қилиши мумкин. Бундай вазиятда, қонун чиқарувчининг мақсадини, семантикани, қонун принципларини, ҳуқуқий мантиғини, конституция “руҳи”ни, норманинг аниқ мазмунини очиб беришга лаёқатли “ҳакамлик” инстанцияси зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди бериши қайд этилган.

Россиялик олим Т.Хабриева конституциявий шарҳлашни алоҳида ажратиб кўрсатар экан, унга қуйидагича таъриф беради: “Конституциявий шарҳлаш Олий суд органининг ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолашга, Асосий қонунни муҳофаза қилишга, ҳуқуқни амалга оширишнинг барча шакллари танлашга, барча турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган махсус ҳуқуқий фаолиятдир” деб баҳолайди. [4, Б.25] Дарҳақиқат

конституциявий шарҳлаш бу биринчи навбатда, конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Конституциявий суднинг шарҳлаш функцияси даставвал, конституцияни ҳимоя қилиш, унинг нормаларини бир хилда талқин этиш ҳамда нафақат фуқаролар балки давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари қонуний бўлишини таъминлайди. Конституциявий суднинг ҳимоя қилиш функцияси билан биргаликда ҳуқуқни тушунишдаги роли бекиёсдир. Хорижий мамлакатларнинг аксариятида суд ҳуқуқни шарҳловчи расмий орган сифатида тан олинади. Конституциявий суд томонидан ҳуқуқий нормаларнинг шарҳланиши қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Конституция нормаларининг шарҳланиши шунинг учун зарурки, унинг асосида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳланади ва уларни татбиқ этиш жараёнларидан бири ҳисобланади. Конституция нормаларини расмий шарҳлаш кўпчилик мамлакатларнинг конституциявий суд (кенгаш)ларининг асосий ваколатларидан бири ҳисобланади. [5, Б.111]

Бир қатор мамлакатларда конституцияни шарҳлаш учун алоҳида суд органлари ташкил этилган. Жумладан, Италия ва Германия Конституциявий суди, Қозоғистон ва Францияда Конституциявий кенгаш, Польшада Конституциявий трибунал ва ҳ.к. Конституциявий судларнинг шарҳ бериш фаолияти аксарият давлатларнинг конституцияларида ҳам мустақамланган. Масалан, Болгария Конституциясининг 149-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд конституция нормаларига мажбурий шарҳ бериши қайд этилган. [6, Б.22]

Ҳуқуқий нормаларга шарҳ бериш Конституциявий суд фаолиятининг шундай шакли ҳисобланадики, у Конституция нормалари, принциплари ва асосий қоидаларининг тўғри татбиқ этилишини таъминлайди, Конституция нуфузининг ошишига хизмат қилади, Конституция ва қонунлар бузилишининг олдини олади, пировард натижада, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади. Шарҳлаш йўли билан Конституциявий суд ҳуқуқий нормаларнинг асл маъносини тушунтиради, конституциявий нормалар турлича тушунилиши ёки талқин қилинишини олдини олади. [7, Б.102]

Хорижий юридик адабиётларнинг таҳлили конституцияни шарҳлаш борасида турли хил ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, конституцияни шарҳлаш бўйича оригинализм ва нооргинализм ғоялари мавжуд бўлиб, оригинализм ғоясига кўра конституцияни шарҳлаш уни қабул қилинган вақтдаги асл ҳолатларни инобатга олган ҳолда шарҳлашни назарда тутаяди, нооргинализм ғоясига кўра шарҳлаш Асосий қонуннинг умумий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, ўзгартиришлар киритиш орқали конституцияни такомиллаштирилиши мумкинлигини назарда тутаяди.

Г.М.Тастанбекова ҳамда И.Т.Тулътеев шарҳлашни юридик табиатига кўра икки турга: норматив ҳамда казуал турлари мажудлигини таъкидлайди [8, Б.33].

Конституциявий суд томонидан шарҳлашни шартли равишда икки турга бўлишимиз мумкин: норматив шарҳлаш: конституциянинг муайян қоидаларини шарҳлаш; казуал шарҳлаш: конституциянинг 109-моддасида белгиланган бошқа ваколатлардан келиб чиқувчи ишларни кўриб чиқиш жараёнида шарҳлаш. Ўзбекистон қонунчилигида шарҳлаш ҳам конституцияга масала киритиш сифатида ҳисобланади ҳамда бу ўз-ўзидан масала киритиш фақат чекланган субъектлар доирасига тегишли эканлигини билдиради. Амалдаги қонунчиликка асосан, қуйидагилар Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси;

Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи;

Сенат аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

Агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Конституция ва қонунларга шарҳ беришни сўраб мурожаат этишни ҳам масала киритиш эканлигини ҳисобга олиб, фуқароларга ҳам масала киритиш ҳуқуқини берилиши лозим деб ўйлаймиз. Қонунда фуқароларнинг қонун уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин эканлиги кетирилган бўлсада, фуқароларнинг конституция ва қонун нормаларини шарҳлаш юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқи назарда тутилмаган.

Конституциявий суд томонидан йигирма икки йил (1996-2020 йиллар) давомида 34 та масала кўриб чиқилган. Бу эса мазкур соҳада Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштиришни тақоза этади. Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилган жами 34 та масаланинг 7 таси конституцияга мувофиқлик бўйича, 10 таси шарҳлашга доир ҳамда 17 таси қонунчилик ташаббуси билан боғлиқ қарорлар қабул қилган.

Конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда конституция ва қонун нормаларини бир хилда тушунилишини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис Конституциявий судга мурожаат қилувчи субъектлар доираси кенгайтириш, фуқароларга Конституциявий судга мурожаат этиш ҳуқуқини қонун йўли билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

А.Саидовнинг фикрича, давлат ва жамият ҳаётини либераллаштириш шароитларида конституциявий назоратнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир [9, Б.39].

М.К.Нажимовнинг бу борадаги фикрлари аҳамиятлидир: “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қонунни шарҳлашга оид фаолияти самарадорлик даражасини янада ошириш мақсадида, Конституциявий судга қонунларнинг конституциявийлигини текшириш ва уларни шарҳлашни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар таркибини кенгайтириш, фуқароларнинг мазкур судга мурожаат этиш ҳуқуқини қонун йўли билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ [10, Б.5].

Шунингдек, расмий шарҳлаш хусусида профессор Ш.Сайдуллаев “қонун ҳужжатларини шарҳлашга доир ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва қонун ҳужжатлари нормаларини тўғри тушуниш ва қўллаш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини расмий шарҳлаш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш лозим деб қайд этади [11, Б.33].

Ш.Сайдуллаевнинг фикрига қўшилган ҳолда, Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш тартибига оид қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур қарорда Конституция ва қонун ҳужжатларини расмий шарҳлашга оид асосий тушунчалар мазмуни, шарҳлаш тартиби ва уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар, шарҳлаш тўғрисидаги сўровларни кўриб чиқишга қабул қилиш ёки рад этиш масалалари, расмий шарҳлаш юзасидан

чиқарилган ҳужжатларнинг юридик кучини белгилаш ҳамда эълон қилиш масалалари ёритилиши лозим.

Жумладан, Жумладан, Россия Федерацияси Конституциявий судининг “Айрим конституциявий қоидаларни шарҳлаш тўғрисидаги сўровларни кўриб чиқишга қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида”ги қарорида конституция нормаларини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган, соф назарий ёки аксинча соф сиёсий, конституция матнига ўзгартириш (қўшимча) киритиш хусусиятига эга бўлган, конституцияда белгиланмаган қоидаларни шарҳлаш тўғрисидаги илтимосномалар қабул қилинмаслиги белгиланган.

В.А.Кряжков бундай чекловчи қоидалар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади :

1) шарҳлаш сўрови предмети бўйича суд томонидан қонуний кучга эга суд қарори қабул қилинган бўлса;

2) шарҳлаш натижасида конституциявий нормалар ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда;

3) айти бир вақтда бир предметга эга бўлмаган конституциянинг турли қоидаларини шарҳлаш бўйича сўров бўлса;

4) мурожаат қилувчининг фикрига мувофиқ, масаланинг ечими қонун қабул қилишни талаб қилса;

5) шарҳлаш орқали Федерал Мажлис палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг дастлабки назорати амалга оширилса;

6) тегишли муносабат аллақачон қонун билан тартибга солинган бўлса (бошқа ҳолларда бу қонунни тегишли тартиб таомилда конституциявийлигини текширишни аниқлаган бўлар эди). Ўзбекистонда Конституциявий суд томонидан Конституция ва қонун нормаларини расмий шарҳлашга оид масалалар акс эттирувчи ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз [12, 3].

Германия қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай суд ёки фуқаро конституциявийлик ва бошқа ҳолатлар юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. [13, Б.2] Россия, Озарбайжон, Болгария ва бошқа МДҲ давлатларда фуқароларнинг конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри мустаҳкамланган. Шу боис фуқароларнинг Конституциявий судга масала киритиш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқларини тўғридан-тўғри қонунчиликка акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, Конституциявий шарҳлаш ва ваколатлар тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш ваколатлари йўқлиги нафақат конституциявий одил судловнинг самарасизлигига, балки ижтимоий катаклизмлар, ечилмаган вазифаларнинг тўпланиб қолиши ва уларнинг портловчи ечими кўринишидаги оқибатларга сабаб бўлади. [14, Б.39]

Маълумки, Конституциявий судлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга бўлиб, мазкур масала ҳам бир қадар баҳсли ҳисобланади. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижроси сифатида ҳукумат амалдаги қонунчиликни амалга оширилиши механизмини қай даражада ишлаётгани ва ундаги бўшлиқлар ҳамда янги нормалар қабул қилиш заруриятини бошқа қонунчилик ташаббуси субъектларига қараганда кўпроқ амалиётда тўкнаш келади. Шу сабабдан жаҳон амалиётида ҳам парламентга киритиладиган қонун лойиҳаларининг аксарият қисми ҳукумат томонидан киритилиши кузатилади. Ҳукумат дунё ва миллий қонунчилик амалиётида энг фаол қонунчилик ташаббуси субъекти сифатида унинг бу ишини мувофиқлаштириш учун парламентга ўз вакилига эга бўлади. Шу билан бирга, ваколатли қонунчилик институти бир қатор ривожланган демократик давлатларда самарали қўллаб келинмоқда. Давлат бошқарувига оид ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда ҳам осон, ҳам самара жиҳатдан ҳукумат ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим ўрин тутаяди. Мамлакатимизда ваколатли қонунчилик институти илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ҳамда миллий қонунчилигимизда жорий этиш масалалари келажакда долзарб аҳамият касб этади. Кўплаб мамлакатларда суд ҳокимияти органлари қонунчилик ташаббусига эга бўлмаган ҳолда бундай ҳуқуққа парламент ва ижро эга ҳисобланади. [15-18, 20-25]

Мамлакатимизда Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи унинг томонидан қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади. Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббусига оид қонунга алоҳида банд киритилиб, унда Конституциявий суд ўзи киритган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш чоғида иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлаши белгиланди.

Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш орқали ҳокимиятлар бўлиниши ҳамда уларнинг фаолияти уйғунлигини таъминлайди. 2015-2019 йилларда қонунчилик ташаббуси субъектлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланганлик нисбати таҳлил қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти – 10,1%, Бош прокурор – 9,7%, Олий суд – 7,6%, Олий хўжалик суди – 0,4%, Қорақалпоғистон Республикаси – 0%, Конституциявий суд – 0,6% ни ташкил этади. Конституциявий суд томонидан мазкур йилларда Қонунчилик палатасига 3 та қонун лойиҳаси киритилган [19]. Мазкур таҳлил Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг амалга оширишда суд фаолиятининг ташаббускорлиги суствлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, Конституциявий суд ўзининг қарорлари, хулосалари ҳамда шарҳлари билан конституциявий нормаларнинг аниқ қўлланилишига, давлат – ҳуқуқий ҳаёт соҳасини модернизациялашнинг конституциявий-ҳуқуқий доктринасини ишлаб чиқиш ва модификациялаш ишига салмоқли ҳисса қўшади. У конституциявий одил судловнинг соҳиби сифатида бажарадиган муҳим ижтимоий функциялардан бири – ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солишнинг конституциявийлиги мезонини белгилаб беришдан, бутун ҳуқуқий воқеликнинг “ҳуқуқийлигини” тасдиқлашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда Конституциявий суднинг нормаларни шарҳлаш фаолияти нафақат конституция ва қонунларни бир хилда талқин этилишини, балки ҳуқуқдаги бўшлиқ ва зиддиётларни олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// Халқ сўзи, 2016. – 9 декабрь (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the 24th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan // Narodnoe slovo, 2016. - December 9)
2. Постановление Евроейского Союза по правам человека от 28 октября 1999 г. По делу Брумареску против Румынии/под ред. Ю.Ю.Брестнева и А.О.Ковтуна. М., 2002. (Decision of the European Union for Human Rights of October 28, 1999 in the case of Brumarescu v. Romania / ed. Yu.Yu.Brestnev and A.O. Kovtun. M., 2002.
3. Сабуров Н., Нажимов М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув-услугий кўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2009. – 150 б. (Saburov N., Najimov M. Theory of State and Law / Textbook. –Т. : TDYuI, 2009. - 150 p)
4. Хабриева Т.Я. Толкование Конституции Российской Федерации: теория и практика. –М., 1998. – С.25 (Habrieva T.Ya. Interpretation of the Constitution of the Russian Federation: theory and practice. –М., 1998. - S.25)
5. Вестник Конституционного Совета Республики Казакстан. Вып.3, – Алматы, 2000. С. 111. (Bulletin of the Constitutional Council of the Republic of Kazakhstan. Vyp.3, - Almaty, 2000. p. 111)
6. The role of the constitutional court in the consolidation of the rule of law Bucharest, 8-10 June 1994. (The role of the Constitutional court in the consolidation of the rule of law Bucharest, 8-10 June 1994)
7. Г.Тастанбекова Ҳуқуқни шарҳлаш: Ўқув кўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. 102 б. (G.Tastanbekova Interpretation of law: Textbook. Т. : Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2016. 102 p)

8. И.Т.Тулътеев, Г.М.Тастанбекова. Проблемы толкования и прогнозирования в правоприменительной деятельности. Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Илмий мақолалар тўплами/ Масъул муҳаррир проф. У.Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2004. – Б. 33. (T.Tulteev, G.M.Tastanbekova. Interpretation and forecasting problems in law enforcement. Theoretical and practical problems of development of jurisprudence in Uzbekistan)
9. А.Саидов. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: мустақил ва демократик тараққиётнинг ҳуқуқий асоси. Т.Ўзбекистон. 2012. – Б. 39. (A.Saidov. The Constitution of the Republic of Uzbekistan: independent and democratic development legal basis. T.Uzbekistan. 2012. – p. 39)
10. М.К.Нажимов. Ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлашнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари таҳлили. 2019 №1 Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Б. 5-7. (M.K. Najimov. Analysis of issues of improving the organizational legal framework of law enforcement and interpretation. 2019 №1 Analysis of the legislation of Uzbekistan. - P. 5-7.)
11. Ш.А.Сайдуллаев. Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг аҳамияти. Юридик фанлар ахборотномаси. № 1. – Б. 33. (Sh.A.Saydullaev. The importance of interpreting legal norms in the process of law enforcement. Newsletter of legal sciences. № 1. – p. 33.)
12. Федеральный конституционный закон «О Конституционном Суде Российской Федерации»: комментарий. С. 320—322; Комментарий к Федеральному конституционному закону «О Конституционном Суде Российской Федерации» / под ред.Г. Л. Гаджиева. С. 252, 253; Кряжков В. Л. Толкование Конституции Российской Федерации Конституционным Судом Российской Федерации // Вестник Конституционного Суда. 1997. № 3. С. 3—7; Мазуров А. В. Указ. соч. С. 453,454. (Federal Constitutional Law "On the Constitutional Court of the Russian Federation": commentary. P. 320-322; Commentary on the Federal Constitutional Law "On the Constitutional Court of the Russian Federation" / under the editorship of G. L. Hajiyeva. P. 252, 253; Kryazhkov V.L.Interpretation of the Constitution of the Russian Federation by the Constitutional Court of the Russian Federation // Bulletin of the Constitutional Court. 1997. No. 3. P. 3-7; Mazurov A.V. Decree. Op. P. 453.454.)
13. www.bundesverfassungsgericht.de
14. Б.Исмаилов. Хорижий давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида конституциявий одил судловнинг асосий моделлари. //Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. 2008-йил. 16-сон. – Б. 39. (B.Ismailov. Basic models of constitutional justice in the practice of law enforcement in foreign countries. // Bulletin of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan. 2008. №16. - p. 39)
15. Turdiev X. Constitutional and legal basis of relations between the parliament and the government of the Republic of Uzbekistan //Review of law sciences. – 2018. – Т. 2. – №. 3. – С. 9.
16. Usmonkulugli T. K. The Role of Parliament in Government Formation: Comparative Legal Analysis of Uzbekistan and European States //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 558-572.
17. Турдиев Х. ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ПАРЛАМЕНТА И ПРАВИТЕЛЬСТВА В ЗАКОНОДАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ //Review of law sciences. – 2020. – №. 3. (Turdiev H. INTERACTION OF PARLIAMENT AND GOVERNMENT IN THE LEGISLATIVE PROCESS // Review of law sciences. - 2020. - No. 3.)
18. ТУРДИЕВ Х. THE LIABILITY OF THE GOVERNMENT TO THE PARLIAMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Юридик фанлар ахборотномаси. – 2019. – №. 3. – С. 12-15. (TURDIEV H. THE LIABILITY OF THE GOVERNMENT TO THE PARLIAMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN // Review of law sciences. - 2019. - No. 3. - P. 12-15.)
19. Учинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолияти тўғрисида ахборот. – Тошкент – 2019 йил. (Information on the activities of the

Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan of the third convocation. - Tashkent - 2019)

20. Рахматуллаевич Х. Ш. ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ: ТУШУНЧАСИ, ТАСНИФИ ҲАМДА НОРМА ИЖОДКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2020. – Т. 5. – №. 9. (Rahmatullaevich X. Sh. LEGAL EXPERIMENT: THE CONCEPT, CLASSIFICATION AND THE IMPORTANCE OF NORMAL CREATIVITY IN DEVELOPMENT // JOURNAL OF LAW RESEARCH. - 2020. - Т. 5. - №. 9.)
21. Мухитдинова Ф. А., Хайитов Ш. Р. СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ //Евразийский Союз Ученых. – 2020. – №. 1-6 (70) (Mukhitdinova FA, Khayitov Sh. R. MODERN PROBLEMS OF SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF YOUTH IN MODERN CONDITIONS // Eurasian Union of Scientists. - 2020. - No. 1-6 (70)).
22. Rakhmatullayevich K. S. LEGAL EXPERIMENT: ITS CONCEPT, CLASSIFICATION AND ROLE IN IMPROVING NORM-MAKING //Solid State Technology. – 2020. – Т. 63. – №. 6. – С. 421-428.
23. Akmal S. NORM-MAKING BASED ON EVIDENCE AND SCIENCE IS ONE OF THE MAIN FACTORS OF DEVELOPMENT //Review of law sciences. – 2020. – №. 4.
24. Akmal S. THE MAIN PROBLEMS OF NORM MAKING IN MODERN UZBEKISTAN //1000 kopii. – 2020. – С. 53.
25. Sodikov A. THE IMPORTANCE OF INFORMATION SUPPLY IN THE PROCESS OF NORM-MAKING //Научные разработки: евразийский регион. – 2019. – С. 55

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ
6 ЖИЛД, 9 СОН**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ
ТОМ 6, НОМЕР 9**

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH
VOLUME 6, ISSUE 9**

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000